
Мактабгача таълим ташкилотидаги мавжуд ҳолат ўрганилди

Ижтимоий тармоқлар орқали Қува тумани Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 14-Давлат мактабгача таълим ташкилоти биноси ташқи деворлари ҳамда эшикларининг таъмирталаблиги, санитария қоидаларига амал қилинмаётганлиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг сақлаш муддат ўтиб кетганлиги юзасидан йўлланган мурожаат, туман ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳ иштирокида жойига борган ҳолда ўрганилди.

Ўрганиш давомида ҳақиқатда 14-Давлат мактабгача таълим ташкилотининг эшик ва ромлари ҳамда бино таъмирталаб ҳолатдалиги аниқланди. Тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда эшик ва ромлари таъмирланди. Бино-иншоотнинг ташқи фасадлари ва деворларини таъмирлаш юзасидан тегишли чоралар белгилаб олинди

Туман санитария эпидемиология осойишталик маркази томонидан мактабгача таълим ташкилотидаги санитария қоидаларига амал қилиниши, озиқ-овқат маҳсулотларининг сақланиш муддатлари, ҳудуддаги ободонлаштириш ишлари ўрганилди. Сақлаш муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган тартибда истеъмолдан чиқарилди. Фаолиятида камчиликка йўл қўйганлиги сабабли мактабгача таълим ташкилотининг хўжалик ишлари мурдирига санитария эпидемиология осойишталик маркази томонидан белгиланган тартибда баённома расмийлаштирилиб БХМнинг 3 баравари, муассасанинг ҳамширасига БХМнинг 1 баравари миқдорида жарима чораси қўлланилди.

Шунингдек 14-мактабгача таълим ташкилоти мудирасига белгиланган тартибда чора кўриш юзасидан санитария эпидемиология осойишталик маркази томонидан туман мактабгача таълим ва мактаб таълими бўлимига тақдимнома киритилди.

2023-12-21 16:45:52